

**ОНА ҚОРНИДА ТУҒМА ВА ИРСИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА
АНИҚЛАШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ШАҲАР ТИББИЁТ
БИРЛАШМАСИ*

*КҮП ТАРМОҚЛИ МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКАСИ ХОМИЛАДОР
АЁЛЛАР ПРЕНАТАЛ УЛЬТРАТОВУШ ТЕКШИРУВИ ВРАЧЛАРИ
Юсупов Ҳамза Сафарович ва Фозилова Нигора Собиржоновна*

Тошкент тиббиёт академияси талабаси

Мухамадиева Камола Дилишод қизи

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3440 қарори (2017 й 25 декабрь)нинг ижроси ва натижалари.



Калим сўзлар: тугма ва ирсий касалликлар, Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар, ижтимоий нафақа.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармойишига шарҳ(1)да “ Мамлакатимизда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва имконияти чекланган болаларга тиббий-ижтимоий ёрдамни ташкил этиш тизими яратилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Шу билан бирга, тугма ва наслий касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш бўйича қўрилаётган чоралар кутилган натижани бермаяпти.

Жумладан, жорий 2016 йил 1 январь ҳолатига 650 284 нафар шахс ногирон деб топилган, уларнинг 84 908 нафарини 16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Уларга ҳар йили Давлат бюджетидан 2,5 триллион сўм

микдорида пенсия ва нафақалар тўланади.



Ўрганишлар соғлиқни сақлаш органлари томонидан ҳомиладор аёлларнинг 60 фоиздан ортиғи скрининг текширишлари билан қамраб олинмаганлигини кўрсатди. Касалликлар ўз вақтида аниқланмаганлиги оқибатида 3 568 нафар бола туғма нуқсонлар билан туғилган...”.

Ўзбекстон Республикаси Президентининг 25 декабр 2017 йилдаги 3440-сонли қарори (2018—2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида) қабул қилинган(2). Шу қарорга асосан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 2018 йил 17 июлдаги 40 -“А” (Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар билан болалар туғилишини олдини олиш

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида) буйруғи(3) чиқарилган. (Бу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 июлда №3047 рўйхат рақами билан рўйхатдан ўтказилди.

Бу қарор ва буйруқ натижасида бугунга келиб, Республика ва вилоят марказларида “Она ва бола пренатал скрининг марказлари”, туман ва шаҳарлар кўп тармоқли марказий поликлиникалари(КТМП)да аёллар маслаҳатхонаси қошида ҳомиладор аёллар пренатал ультратовуш текшируви (УТТ) хоналари ўз натижаларини бера бошлади.

Кўплаб туғма ва ирсий касалликлар ҳомиладорлик даврида эрта аниқлана бошланди. ССВнинг 40 “А” буйруғи низомига кўра ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар билан туғилиши мумкин бўлган ҳомилани КТМП тиббий-маслаҳат комиссияси (ТМК)га юборилади.

1-босқич: Барча ҳомиладорларни оммавий тарзда КТМП пренатал УТТ да скрининг текширувидан ўтказиш ва улар орасидан она қорнида ҳомила нуқсони гумон қилингандарни ажратиш.

2-босқич: Гумон қилинган ҳомиладорлардаги ташхисни тасдиқлаш учун вилоят ва Республика “она ва бола пренатал скрининг маркази”га юбориш.) Ташхис тасдиқлангач, КТМП ТМКга юборилади.

3-босқич: ТМК ҳомиладор аёл ва унинг яқин қариндошлирига пренатал (туғруқгача) скрининг текширувлари натижалари тўғрисида, ҳомилада мавжуд туғма ривожланиш нуқсонлар борлиги, туғилгандан сўнг чақалоқнинг соғлиғи ва ҳаётига таъсири, даволаш усуслари ва улар билан боғлиқ хавф-хатар даражаси, қўллаш мумкин бўлган тиббий муолажалар ва уларнинг оқибатлари ҳамда даволаш натижалари ҳақида тўлиқ ахборот берилади. Шу хулоса асосан даволаш имконияти бўлмайдиган бўлса, ҳомиладорликни тухтатиш тавсия этилади. Хирургик даволаниш имконияти бўлган(коррекция қилинадиган), баъзи туғма касалликларни даволаниш учун имтиёзли тарзда иқтисослашган шифохоналарга юборилади.

Кўпчилик ҳомиладорлар боланинг нуқсонли туғилиши эҳтимолиги ва

оқибатларини тўғри тушинтирилиш оқибатида(боланинг келгусида ногирон туғилиши, ўзгалар парваришига муҳтожлиги бўлиб қолиши мумкинлиги, ота ва она ҳаётининг ногирон болани даволаш ва парваришига моддий ва психолигик қийналиши, боланинг келгусида уйланиш ёки турмишга чиқиш масаласи, онанинг уйда болани парвариш учун ишламасдан ўтиришга мажбурлиги(агар ишласа)...), каби сабаблар ҳомиладорликни тухтатишга сабаб бўлмоқда. Натижада миллат генофонди соғломлашиб, соғлом туғилиш қўпайди, болалик ногиронлиги камайди.

Президент томонидан **18.03.2024** йилда имзоланган ЎРҚ-922-сонли Конун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Конун **26.12.2023** йилда Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва **9.02.2023** йилда Сенат томонидан маъқулланган.

“...Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм...” деб белгиланган.

Битта болалик ногиронлиги камайишини иқтисодий таҳлилини кўриб чиқамиз.

-битта ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига бериладиган нафақа миқдори – ойига 535 000 сўм бўлиб, бир ойга бир марта берилади.

-12 ой(1 йил)га ($535\ 000 \times 12$) 6 420 000 сўм ижтимоий нафақани ташкил этади.

-18 ёшгача, яъни 18 йилга ($6\ 420\ 000 \times 18$) 115 560 000 (бир юз ўн беш миллион беш юз олтмиш минг) сўмни ташкил этади.

Битта КТМП аёллар маслаҳатхонаси қошидаги УТТпренатал скрининг хонаси томонидан бир йилда, камида 20 та шундай болалик ногиронлиги

олдини олинмоқда.

-18 ёшгача битта болалик ногиронлиги парваришига 115 560 000 (бир юз ўн беш миллион беш юз олтмиш минг) сўм ижтимоий нафақани заруратини инобатга олсак, 20 нафар шундай ўзгалар ёрдамига муҳтож бола учун (115 560 000x 20 нафар) 2 311 200 000 (икки миллард уч юз ўн бир миллион икки юз минг) сўмни ташкил этади.

Республикамизда 12 вилоят, ҚР, Тошкент шаҳрида камида 10 тадан КТМП борлигини инобатга олганда бу ижтимоий нафақага қанчалик кўп маблағ сарфланганини тахмин қилишга олиб келади.

Хуносаси.

Юқорида таъкидланган 3440 ПҚ нинг ижроси бугунги кунда ўз самарасини бериб, миллардлаб давлат маблағини иқтисод қилиш ва уни бошқа ижтимоий соҳага сарфланиш имкониятини берди.

Бундан ташқари Президентимиз бугунги кунда ногиронлиги сабабли ишлай олмай келаётган аҳолини қатламини ижтимоий қўллаб-куватлаш, уларнинг жисмоний қобилиятидан келиб чиқиб, жамоат транспортларида харакатланиши учун қулайликлар яратиш, олий ўқув юртларида улар учун квоталар ажратиш, барча иш берувчиларга ногиронлиги бор шахсларни иш билан таъминлангани учун турли имтиёзлар бериш, ҳатто келгусида сенаторлар орасида кўриш истаги борлиги тўғрисидаги сўзлари, аҳолини бу қатламини ўзига ишончини оширди. Шунингдек жисмоний харакатида чекланиш сабабли ногиронлиги мавжуд бундай инсонларда ақлий жихатдан илмга интилиш, диққат ва сабр, мақсад сари қатъий харакат кучли бўлади. Зоро бундай инсонлар ҳар биримизнинг оиласизда бўлиши мумкинлиги ва уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва ижтимоий ҳимоя, ўқиш ва ишлашга имконият бериш, уларнинг жамиятнинг бир бўлаги сифатида ўзини кўрсатиш имкониятини беради. Президентимизнинг бу қарорлари ҳам яқин йилларда натижасини беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.Халқ сўзи" 2017 йил 2 август Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойишига шарҳ.

2. Ўзбекстон Республикаси Президентининг 25 декабр 2017 йилдаги 3440 -сонли қарори (2018 — 2022 йиллар даврида болаларда тугма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида).

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 2018 йил 17 июлдаги 40 -“А” (Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган тугма нуқсонлар билан болалар туғилишини олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида) буйруғи.

4. 18.03.2024йилда имзоланган ЎРҚ-922-сонли Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган ўзgartериш ва қўшимчалар киритилди.